# Хабар

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 16 январь № 2 (282) • Сотувда нархи эркин




*Бухоро телефон тармоғининг абонентлар бўлимида корхоналар билан шуғулланувчи оператор Ҳалима ХЎЖАЕВА ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда.*

*Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ*

• *Таҳририятга хат*

## МУХБИРЛАРГА ҲАМ ҚИЙИН ЭКАН

Ассалому алайкум ҳурматли «Хабар» ходимлари!

Бундан бир йил олдин, тўғриси, «Хабар» газетасини теледастур борлиги учун олган эдим. Кейинчалик алоқа соҳасидаги ранг-баранг янгиликлар, ибратли ҳикоятлар, ҳаётий воқеалар билан боғлиқ материаллар, табобат борасидаги маслаҳатларни ўқиб, мунтазам ола бошладим. Очиғини айтсам, баъзи мақолаларда алоқа ходимларини фариштадек қилиб кўрсатилиши одамнинг ғашига ҳам тегади.

Мен кўпинча телефонимиз бузилиб қолганда телефон тармоқларига бориб тураман. Ёшим улуғлигига қарамай, у ердаги ходимларнинг беписанд муомаласи, лоқайдлиги, «Эртага ишлайди» деган телефонлари ҳафталаб ишламаслиги ёки раҳбарларини топиб бўлмаслик ҳоллари одамни ранжитади.

Газетанинг ўтган йилги сонларида «Мақтагани шу бўлса...», «Мухбирга чап берманг!» каби мақолаларни ўқиб, «Ёзса бўлар эканку!» деб юбордим. Алоқа корхонаси раҳбари ўз газетасининг мухбирини ҳам лақиллатмоқчи бўлса... Ҳа, сиз мухбирларга ҳам қийин экан. Мақола муаллифининг отасига раҳмат. Ҳақ гап ёзганлиги учун кўпчилик ўқиб, дуо қилдик. Истагим — янги йилда газетада юқоридаги каби одамлар кўнглига яқин мақолалар ўрин олаверсин. «Хабар»нинг ўқувчилари кўпаяверсин. Сизга яратганнинг ўзи мадад берсин.

***Абдулла ТЎЛАГАНОВ,***
***меҳнат фахрийси***

## «АЛ-САМО» ЭФИРДА

***Янги йилнинг илк кунларидан Жиззах шаҳрида яна бир телестудия иш бошлади. «Ал—Само» номи билан эфирга чиқаётган телестудия мулк шакли жиҳатидан хусусийдир.***

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида рақобатсиз ишлаб бўлмайди-дейди «Ал-Само» телестудияси бош директори Саъдулла Абдурасулов. — Биз ўз кўрсатувларимиз савияси, оммабоплиги, энг муҳими телетомошабинлар кутган кўрсатувларимиз билан мухлислар қалбидан ўрин олишга ишонамиз. Реклама ва эълонларга ҳам кенг ўрин берилган. Бу ўз навбатида телестудиянинг моддий таъминотига кўмаклашади.

Ҳозирча «Ал-Само» телестудияси кўрсатувларидан Жиззах шаҳри ва вилоятнинг Жиззах шаҳрига туташ аҳолиси баҳраманд бўлмоқда.

Яқин кунларда «Ал-Само» телестудияси реле алоқаси ёрдамида Қўйтош ретрансляторлари орқали ўз кўрсатувларини намойиш этишга киришади. Ўшанда «Ал-Само» телестудияси кўрсатувларини нафақат Жиззах вилояти, балки қўшни Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари аҳолиси ҳам кўриш имкониятига эга бўлади.

***Йўлчи УРДУШЕВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Жиззах вилояти***

## ҚАЛОВИ ТОПИЛСА...

«Наманган телеком» ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан олдиндан телефон хизмати ҳақини тўлаган шаҳар телефон тармоқлари абонентлари ўртасида лотерея ўйини ўтказилди. Ютуққа телефон аппарати, осма соат ҳамда 6 ойлик телефон хизматидан текин фойдаланиш ҳуқуқини берувчи мукофотлар қўйилди.

Мусобақа якунида 50 нафар абонент ҳамда 10 та корхона ва ташкилотлар мукофот соҳиблари бўлишди. Келгусида бу каби тадбирларни янада кўпайтириш режалаштирилмоқда.

***Аҳмаджон ТЎЙЧИБОЕВ.***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Наманган вилояти***

• *Расмий жавоб*

## «ЭЛАККА ҚОЛГАНДА...», «УЙ ТЎЙИ ҚАЧОН БЎЛАРКИН?»

***Ва ниҳоят газетамизда босилган шу номли танқидий мақолаларга жавоб хати келди.***

«ХАБАР» газетаси таҳририятига!

«Хабар» газетасининг ўтган йил 9 май ва 19 декабрь сонларида Термиз шаҳрида алоқа ходимлари учун қурилган тўрт қаватли турар-жой биносини фойдаланишга топшириш орқага сурилаётганлиги ҳақида чоп этилган мақолалардаги танқид ҳақиқатга тўғри келади. Мазкур тураржойнинг ўз эгаларига берилмаётганлигига сабаб — 600 метр масофадан иссиқ сув олиб келиш учун қувурлар ва бино учун зарур жиҳозларни сотиб олиш ҳамда айрим чала ишларни тугаллашга пул маблағларининг етишмаслиги бўлди.

Танқидий мақолалардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ва уйни эгаларига тезроқ топшириш мақсадида кейинги уч ой мобайнида чала қолган барча ишларни охирига етказиш борасида «Сурхондарё телеком» шуъба корхонаси томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Ҳозирги кунда тураржой биноси ўз эгаларига топширилди. Бино ташқарисидаги айрим ишлар бажарилиб, зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

***Р. ИБРОҲИМОВ,***
***«Сурхондарё телеком» шуъба корхонаси бош муҳандисининг ўринбосари»***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?
### –Янгиликлар–Воқеалар–Хабарлар

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги» йўллади.**

• *Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ҳамда мудофаа вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар вазирлиги, фавқулодда вазиятлар вазирлиги, давлат божхона қўмитаси ва прокуратура ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.*

• **Республика Вазирлар Маҳкамасида буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.**

• *Маълумотларга қараганда, Болтиқбўйи давлатлари ичида Латвия миллий валютасининг қиймати АҚШ долларига нисбатан бир қадар мустаҳкам турибди. Ўтган йили Латвия миллий пули — лат бор-йўғи 7 фоизга қадрсизланган, холос. Бу кўрсаткич Литвада 8,6 фоиз, Эстонияда эса 12,5 фоизни ташкил этган. Мутахассисларнинг фикрича, Латвия миллий банкининг муваффақиятли фаолияти ҳамда мамлакатда пул-кредит сиёсатининг тўғри олиб борилгани инфляцияни жиловлашга имконият яратган.*

• **Исроил ҳукумати муборак рамазон ойи муносабати билан хайрли ишни амалга оширди. Мамлакат қамоқхоналарида тутқунликда бўлган 22 нафар араб миллатига мансуб киши озодликка чиқарилди.**

• *Буюк Британияда марҳум Уэльс маликаси Диана хотирасига катта боғ яратиш мўлжалланмоқда. Ушбу хотира боғи Лондондаги Кенсингтон қасри яқинида барпо этилади. Бироқ қаср атрофида яшайдиган аҳоли хотира боғининг айнан шу жойда қурилишига қаршилик қилмоқда.*

• **Францияда янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ қимматчилик бошланиб кетди. Бугунги кунда бу мамлакатдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари аввалгидан 10-15 фоизга кўтарилди. Шунингдек, бензин 12 фоизга, телефон орқали сўзлашиш тарифлари эса 16 фоизга қимматлашди.**

• *АҚШ махсус хизмат вакиллари турли давлатларнинг банкларида Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг камида бир ярим миллиард доллар маблағи сақланаётганлигини аниқлашди.*

## БАҲРОМДЕК ЎҒЛОНЛАРИНГ БОР!

Баҳром Тошкент шаҳридаги 275-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида радиотехникага жиддий қизиқар эди. Шу боис мактабдан ташқари бўш вақтининг асосий қисмини шаҳардаги «Ёш техниклар» тўгарагида ўтказарди. Халқимизда пурҳикмат нақл бор: «Бўладиган бола бошидан маълум». Баҳром ўрта мактабда аъло ўқиш билан бирга «Ёш техниклар» тўгарагининг энг фаол қатнашчиси эди. Радиотехникага бўлган қизиқиши уни Тошкент электротехника Алоқа институтига етаклаб келди. Институтда жамоатчи ва аълочи илм толиблари қатори унинг исм-шарифи ҳам ҳурмат ила тилга олинар эди.

Таҳсилнинг учинчи йили уни кафедрага устози чақириб қолди. «Хабаринг бор, яқиндагина Тошкент электротехника Алоқа институти қошида янги факульт ташкил этилди. Ҳозирда касбнинг пухта билимдонлари, фидойи алоқачилар жуда зарур, рози бўлсанг ўқишингни мазкур факультетда давом эттиришни маслаҳат берардим» — деди мураббий. Баҳром устозининг таклифини ота-онаси — Йўлдош ота ҳамда Муфаззал аяларга етказди. Уларнинг розилигини олгач, янги факультетда ўқишни давом эттирди. Тез орада тенгдошлари орасида ташкилотчилиги билан ҳам тилга тушди. Ўқитувчилари бераётган сабоқларини қунт билан ўзлаштирди. Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганидан сўнг армияга чақирилди.

Ўз касбига садоқатли, юқори малакали мутахассис, ёш зобит Баҳром Эргашевга Ватан олдидаги ҳалол, муносиб хизматлари учун мустақиллигимизнинг 5 йиллиги арафасида муддатидан олдин катта лейтенант унвони берилди.

— Юртимизнинг муқаддас байрами арафасида менга юксак ишонч билдирилиб, муддатидан олдин ҳарбий унвон беришган экан, бундан буён ҳам шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги ҳамда маънавий қудратини ошириш йўлида шараф билан хизмат қилавераман, — дейди катта лейтенант Баҳром Эргашев биз билан суҳбатда.

Катта лейтенант Баҳром Эргашев ҳақидаги ушбу лавҳани қоғозга тушириб, ён дафтарчамга назар ташлар эканман, ундаги шоира Наргиза Раҳматованинг қуйидаги сатрларига кўзим тушди:

***Юртим, юксакларга дадил интилгин,***
***Йўлинг тўсган булут, тўсиқларни ёр.***
***Сенга ўқ отсалар қалқон бўлажак,***
***Ортингда кўкси тоғ ўғлонларинг бор.***

Ҳароратли мисраларнинг охирги сатрини «Ортингда Баҳромдек ўғлонларинг бор» дея ўқиб, ҳайқиргим келаверди. Ҳа, Ватан ҳимоячилари ана шундай ҳурмат-эҳтиромга, обрў-эътиборга ҳақлидирлар.

***Каримжон СОАТОВ,***
***Самарқанд вилояти***

## Электромагнит Мослашув Маркази — 10 ЁШДА

Жорий йилнинг 1 январида Электромагнит Мослашув Маркази (ЭМММ) ташкил этилганига 10 йил тўлди. Ташкил этилган вақтдан бошлаб ҳозирги кунгача ЭМММ республика ҳудудида радиоузатиш воситаларининг барча турларидан фойдаланишни режалаштириш, ишлаш частота тўлқинларини тайинлаш ва қайд этиш, радиоэлектрон воситаларга чақирув сигналларини бериш бўйича телекоммуникация соҳасидаги ягона идора бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, ЭМММ радиоэлектрон воситалар эгалари томонидан радионурланиш бўйича ўрнатилган меъёрларнинг бажарилиши борасида Давлат назоратини амалга оширади ва электромагнит мослашув таҳлили, радиочастота тақсимланиши ҳисоби, яъни Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича Давлат Комиссиясининг (РЧДК) радиоалоқа соҳасидаги сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ЭМММнинг радиочастота соҳасидаги мавқе ва масъулияти янада ошди. ЭМММ РЧДК қарорига асосан радиочастота спекторида юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини бошқариб республика ҳудудида радиоалоқа тармоқларини ишлатиш бўйича янги имкониятларни аниқлаш борасида ҳам иш олиб бораётир.

Коммуникация тармоқлари ва турлари ривожи, масалан, уяли, пейжинг, транкинг, сунъий йўлдош алоқалари ЭМММ ва унинг вилоятлардаги бўлимлари олдига яқин ва узоқда жойлашган давлатларнинг ўхшаш бўлимлари билан ҳамкорликни чуқурлаштиришни, радионазорат воситаларини янгилаш ва замонавийлаштириш, мутахассислар билим савиясини ошириш, республикамизнинг махсус хизматлари билан алоқани яқинлаштириш каби вазифаларини қўйди. Шунингдек, корхона ва унинг бўлимлари олдида яна бир муҳим вазифа — қонуний радиоэлектрон воситалар фаолиятига халақит берувчи ноқонуний радиоузаткичлар ва саноат радиохалақитлар манбаини аниқлаб, уларни бартараф этиб бориш вазифаси турибди.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги билан ҳамкорликда автотранспортда фойдаланилаётган ноқонуний радиоузатиш воситалари эгаларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятини чеклаш мақсадида қўшма рейдлар ташкил қилинмоқда. Алоқа турлари ривожланиб борган сари катта миқдорда маълумотларни ва радионазоратни автоматлаштириш каби муаммо вужудга келади. Ана шуни ҳисобга олган ЭМММ маъмурияти ўзининг барча вилоятлардаги бўлимларида энг замонавий компьютер техникаларини ўрнатиш, ундан самарали фойдаланиш йўлида иш олиб бормоқда. Шу билан бирга замонавий ўлчов ва радиоузатишларни назорат қилувчи ускуналарни сотиб олиш чоралари қидирилмоқда. ЭМММ радиоалоқа соҳасида меъёрий ҳужжатлар ва қонунларни ташкил этиш ва тайёрлашда ҳам фаол иштирок этаётир.

Ўн йил тарих саҳнасида унча катта муддат эмас. Аммо ўтган ҳар бир йилда бўлғуси улкан ишларга тамал тоши қўйилди, замин тайёрланди. Мана шу жиҳатдан ҳам Электромагнит Мослашув Маркази жамоаси учун ушбу ўн йил қадрли, азиз. Марказ ва унинг бўлимлари улкан режаларни кўзлаган. Ана шу режаларнинг амалга ошишида Электромагнит Мослашув Маркази ходимларига муваффақиятлар тилаймиз.

***А. АБДУРАҲМОНОВ***



***Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани аҳолиси туман почта бўлимида 15 йилдан буён ишлаётган оператор Меҳрибон БОЙЖОНОВАни яхши билишади. У ўз ишини пухта билиши, ширинсуханлиги билан ҳам мижозларнинг ҳурматини қозонган.***

*Сураткаш*
***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ***

## КАСБИМ — ФАХРИМ

***Алоқачиликда тезкорлик, мунтазамлик муҳим ўрин тутади. Буни яхши англаган Пахтаобод туман почта алоқа боғламаси жамоаси 1997 йилни муваффақиятли якунлашди. Ўтган йили аҳолига 5 миллион сўмликдан кўп хизмат кўрсатилди. Бунда почта алоқа боғламаси бошлиғи, агентликнинг «Аъло даражали раҳбар» фахрий унвони соҳиби Ғанижон ҲУРБОЕВнинг ҳиссаси катта. Биз у киши билан учрашиб, суҳбатлашдик.***

— Бозор иқтисодиёти ҳаётимизга кун сайин ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Бу синовдан қандай ўтяпсизлар?

— Бозор иқтисодиёти изланиб ишлашни, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп ва сифатли иш бажарилишини талаб қилмоқда. Почта боғламасидаги алоқачиларимиз хонадонма-хонадон юриб, кимнинг фарзанди ҳарбий хизматда эканлиги ёки узоқроқ шаҳарда таҳсил олаётгани, қариндош-уруғлари тўғрисида маълумот тўпладилар. Бунга туғилган кунлар, тўй ва бошқа тантаналар ҳақидаги маълумотлар ҳам қўшилди. Табрикнома, шошилинчнома, юбортма ва бандерол, пул жўнатмалари ташкил қилдик. Мижозларнинг ишини енгиллатиб, тез ва осон битиришга одатландик. Бу почта хизмати ҳажми ортганлигини, даромад кўпайганлигини кўрсатади. Аҳолидан чироқ ҳақи, газ учун тўлов ва суғурта бадаллари тўплашни ҳам жорий этдик. Натижада ходимларимиз маошларини ўз вақтида олишмоқда, ойма-ой мукофот пули ҳам берилмоқда.

— Нима учун ўз касбингизни яхши кўрасиз?

— Касбимиз доимо одамлар орасида бўлиш, уларнинг хизматини қилишни талаб қилади. Шу боис ҳам ўз касбимни яхши кўраман. Одамлар хизматида бўлолмасликдан оллоҳнинг ўзи асрасин. Шу соҳада 1960 йилдан буён узлуксиз ишлаб келяпман. Менга устозлик қилган Тўрахон Тешахонов, Обиджон Райимжонов, Акрамжон ҳожи Холиқназаровларнинг берган ўгитлари, маслаҳатлари ишимда асқотмоқда. Салкам қирқ йиллик тажрибам ҳам почта алоқа боғламасига иш билан келаётганларнинг ҳожатини чиқаришда қўл келмоқда.

— Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз?

— Фарзандлар камолини кўриш ота-она учун катта бахт. Яратганга шукур, ўғилларим Абдували, Абдулносир, Ҳамидуллолар ҳам шу соҳада ишламоқдалар. Рафиқам Турсуной ҳам, икки қизим, келинларим ҳам хизматларимни қадрлашади. Улар ишга эрта бориб, кеч қайтишимга кўникиб кетишган. Ишдан чарчаб борганимда невараларим билан чуғурлашиб, ҳордиқ чиқаришнинг гашти бошқача.

Режаларимиз кўп. Уларни амалга оширамиз, албатта. Тармоғимиз очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Унинг 15 фоиз акцияларини сотиб олдик, 10 фоизи очиқ савдога қўйилди, давлат ҳисобида яна 75 фоиз акциямиз бор. Буларнинг барчасини почта алоқа хизматини яхшилашга йўналтирамиз.

Мен шогирдсиз устозни мевасиз дарахтга ўхшатаман. Шогирдларимдан ғоят мамнунман. Негаки, улар ўзларига биркитилган вазифани сидқидилдан адо этмоқдалар. Ўринбосарим Фозилжон Ортиқов, алоқа ходимлари Абдумухтор Абдужалилов, Ҳотамбек Даминов, Қимматхон Самсоқова, Йўлдошбой Алиевларнинг элу-юрт хизматини зўр иштиёқ, аҳил ва хушмуомалалик билан бажараётгани кўнглимни тоғдек кўтаради.

***Қўлдош ҲОЖИМАТОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Андижон вилояти***

*• Хизмат биздан — ҳиммат сиздан*

## ҚАРЗДОРЛИК КАСРИ

Иш кунларимнинг бирида хўжалик раҳбари хонага шошиб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, мақсадга кўчди.

— Бугун ҳам ҳокимликдан телефонда сизни ҳеч вақт топиб бўлмайди, деб қаттиқ койишди. Мен эса телефонни уздириб ташлаганман дея дангал айтолмадим.

Раиснинг қилмишидан пушаймон еб, тавбасига таянгани шундай билиниб турарди.

— Узр, ўшанда бироз қизишиб кетиб... Асли сизлар «оёқ-қўлимиз», «кўз-қулоғимиз» экансизлар. Энди тушундим.

Ўшанда ходимларим сарсон-саргардон бўлавергач, раиснинг ҳузурига дебиторлик масаласи бўйича ўзим кирдим. У менга ҳам «сизларга тўлайдиган пул-мул йўқ, телефон-пелефон ҳам керакмас, қўлларингиздан келса, узиб ташланглар» деб дангал жавоб айтди. Ўз навбатида биз ҳам «қўлимиздан келган ишни» қилдик.

— Пулни шу бугуноқ ўтказиб бераман. Фақат илтимос, одамларингизни тезроқ юборинг.

Биз шартга кўндик. Раис ҳам икки йиллик қарзни тўлади. Фақат телефон орқали дақиқалар ичида битадиган иш учун анча-мунча ёқилғи сарфлаб, туман марказига, буёғи Термизга қатнайвергач, аниқроғи хизмат ҳақидан харажат салмоғи ошиб тушавергач шундай қарорга келинди.

Тўғри, бозор муносабатларига ўтиш даври барча жамоаларни танг аҳволга солиб қўйди. Аммо қилинган хизмат қадрсизланса, бундан ёмони йўқ. Шунинг учун дебиторлик қарзларини ўз вақтида тўламаган жамоалар билан имкониятимиз даражасида жиддий гаплаша бошладик. Натижада мавжуд 3400 та телефон нуқтасидан 2830 таси хизмат учун қолдирилди. Энг ёмони — Маматқул Азизов номли, «Навшаҳар», Шароф Рашидов номли жамоа хўжаликлари қўллаган чора-тадбиримизга муносабат билдиришмади. Лоақал хизматимизга раҳмат ҳам дейишмади. Ахборот олиш ва ахборот бериш масаласига жиддий эътибор берилаётган бир пайтда бундай раҳбарларни қандай тушуниш мумкин?

Худди шундай эътиборсизликлар эвазига тармоғимизда дебиторлик даражаси юқорилигича қолмоқда. Бу аҳволда қандай қилиб олға силжишимиз мумкин? Ваҳоланки, кабель билан ишлашдан воз кечиб, ҳаво телефонлари ўрнатиш масаласи олдимизда кўндаланг турибди. Бунинг учун албатта маблағ керак. Биз бу ҳақда туман ҳокимлигини хабардор қилганмиз. Етилган масалага шахсан туман ҳокими Рашид Эшбоевнинг ўзлари жиддий эътибор бермоқда. Юқорида тилга олинганидек, бир хўжалик раҳбарининг салоҳиятидаги ўзгариш, шубҳасиз, иқтисодий ислоҳот чорраҳасидаги уйғониш аломатларидан далолат беради.

Уйлайманки, инсоннинг доимий йўлдоши бўлган телефон-телеграф ва радио хизматини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишимизга барча баробар ҳисса қўшади. Ана шунда қарздорлик касри билан боғлиқ гапларга асло ўрин қолмайди.

***Абдусамат НОРИЕВ,***
***«Сурхондарё телеком» шуъба корхонасининг Ангор филиали бошлиғи***

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси «Самарқанд телеком» шуъба корхонаси техник директори Юсуф Жабборовга онаси

**Анвара ҒАНИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

• МЕРОС

ОЛИМАТ УЛ-БАНОТ

# МУОШАРАТ ОДОБИ

Гўзал турмуш роҳат-фароғат билан умр ўтказмоқдан иборатдир. Умр ҳеч маҳал бир ерда тўхтаб турмас, балки ҳамиша бирин-сириң ўтар ва ниҳоят тугар ҳам. Ўтган умрни бутун дунё молини бериб бўлса ҳам қайтариб бўлмас. Шунинг учун бу оз умрни роҳат-фароғат билан кечирмоқ, зое ўтказмоқдан сақланмоқ лозим бўлади. Кўркам бўлган оз умр узун ҳисобланади, кўркам бўлмаган узун турмуш қисқа саналади. Кўркам турмуш эса, ҳусн-и хулққа боғлиқдир. Кўркам хулқ эгаларининг яхши турмуш кечирганлари ҳар қачон ҳам тажриба билан маълум бўлгандир. Кўркам хулқ эса, инсонда улуғ бир фазилат ҳисобланади. Бу ҳақда шариатимизда муқаддас амр, шунингдек, ваъзу насиҳатлар айтилган. Ақлли бўлган одамларнинг ўзлари ҳам буни очиқ билмоқдалар. Ҳусн-и хулқдан бири кишида улфат бўлиш хусусиятининг борлигидир. Бу эса очиқ юзли, ширин сўзли бўлмоқдан иборатдир. Шу билан бирга бировнинг олдида ҳам, орқасида ҳам ҳурматини бажо келтирмоқ, ҳаққига риоя қилмоқдан иборатдир. Ушбу улфат муошаратга улуғ сабабчи бўлгани учун шариат ва ақл кўзгусида мадҳ этилгандир.

## ХОТИНЛАР БИЛАН ЭРЛАР ОРАСИДА БЎЛГАН ОДОБ ҲАҚИДА

Тажрибаларга кўра, хотинларнинг гўзал хулқли бўлмоқлари сабабли, эрлари ҳам гўзал хулқли бўладилар. Бунинг аксича, агар хотинлар ёмон хулқли бўлсалар, эрларининг хулқлари ҳам шунга кўра бузилади, ёмонланади. Эр билан хотин орасида бўлган турмушда келишув бўлмаса, ҳар иккиси учун ҳам улуғ ҳасрат, зўр машаққат бўлади, бунинг натижасида маишатнинг лаззати тугайди, роҳати кетади, тадбиру чоралар бузилади, натижада хонадон аъзолари орасида бир-бирига душманлик пайдо бўлади, болалар тинчлиги йўқолади, бундан кўп ножўя ишлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам кўркам турмуш кечирмоқ ва унга интилмоқ, биринчи даражада, хотинлар устига тушмоғи лозим ва шундай бўлиши ҳам керакдир.

Эрлар билан кўркам турмуш қурмоқ учун хотинлар ушбу икки турли нарсани эътиборга олмоғи лозим.

Биринчи: эрларининг табиат мижозини ва хулқини яхши билмоқ ва бунинг учун уларни кўп мартабалар синамоқ керакдир. Сўнгра ана шунга мувофиқ иш қилмоқ лозим бўлади. Яъни эр бўлган киши қандай нарсалардан хурсанд бўлади-ю, қандай ишлардан кўнгли қолади? Ёки қандай ишларни севмайди-ю, нимадан кўнгли бузилади? Шунинг учун ҳар вақт хотинлар эрларининг табиатларини очиқ билиб, уларнинг ёқтирган нарсаларини қилишлари ва ёқтирмаган нарсаларини қилмасликлари лозимдир.

Иккинчидан: улар эрларига итоатли хотинлар ҳақида бўлган яхши хабарларни ҳамда итоатсиз хотинлар ҳақида бўлган ёмон хабарларни ҳам билмоқлари лозим бўлади. Шариатимиз эса, итоатли хотинларга «эзгу хотинлар» исмини бериб, амаллари баробарига ҳам кўп савоблар ваъда этганлар. Итоатсиз хотинларни «ўсал, уятсиз хотинлар» деб атаб, дунё кўрган машаққатларидан ортиқ, охиратда ҳам бир қадар азоблар бўлажагидан хабар берганлар.

Эзгу ниятли хотинлар, гуноҳ бўлмаган сувратда эрлари буюрган хизматларни қиладилар ва кучлари етган қадар эрларининг сўзларини комил қиладилар.

Ва яна эрни ризо этиб, вафот этган хотиннинг ўрни жаннатда бўлади, деган хабар ҳам келган.

Ва яна Абу Ҳурайра (худо ундан рози бўлсун): агарда бир хотин беш вақт намозни ўқиса, рамазон ойида рўза тутса, ўзини ҳаромдан сақласа, эрига итоат қилса, унинг ўрни жаннатда бўлади, деб ривоят қилади.

Лекин юқорида айтганимиздек, агарда эри ўз хотинини бирор тур гуноҳ ишларга буюрса, у вақтда албатта аёл буни қабул этмаслиги зарур. Зеро, тангри таоло гуноҳ қилган банда ишларини мақбул кўрмас.

Энди, бир хотин ушбу равишда бузуқ ва гуноҳ ишларга ундовчи эрга мубтало бўлса, мумкин қадар сабр этиб, Аллоҳ Таолодан эрига тавфиқ тилаб, дуо қилади, бу билан иш битмаса, ундан айрилмоқ йўлини кўришга шариат тарафидан рухсат этилади.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

* * *

Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар.

* * *

Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир.

* * *

Ерни турли номларига қараб таниб олиш мумкин бўлганидек, дўстни ҳам дўстига қараб билиб олса бўлади.

* * *

Зоту насабларингизни (авлод ва аждодларингизни) яхши таниб олинглар, токи қариндошлар билан алоқа яхши бўлсин. Ўзи яқин тургани билан ўзаро муруввати бўлмаса, унинг яқинидан фойда йўқ. Ўзи узоқ тургани билан бир-бирига муруввати яхши бўлса, узоқлигининг зарари йўқ.

Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг.

* * *

Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир.

* * *

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир.

* * *

Уйқуга кетишдан олдин чироқларни ўчириб, дарвозаларни беркитиб, сув идишлари ва озиқ-овқатларнинг устини ёпиб қўйинглар. Ёпгани нарса тополмасанглар, идишлар устига бирор чўп бўлса ҳам ташлаб қўйинглар.



БУХОРО. Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

Муҳаммад Содиқ ҚОШҒАРИЙ

## ЕЙИШ ВА ИЧИШ БАЁНИДА

1. Таомни кам-кам енг. 2. Гумонлик таомдан ҳазар қилинг. 3. Ўз нафсингизга эрк берманг. 4. Ҳар хил нарсаларни бирининг кейинидан иккинчисини аралаштириб еб-ичманг. Бу суннатга хилофдир ва зарарлидир. Балиқ билан сутни, сут билан нордон нарсаларни, сут билан тухумни, сут билан гўштни ёки иссиқлик, икки совуқлик нарсани, икки қотиргувчи ёки икки сургувчи нарсани, тез ҳазм бўладиган ва узоқ ҳазм бўлмайдиган нарсани еманг, бу суннатга хилофдир. Пиёз ва саримсоқни ҳам пиширмай еманг. 5. Таомни ўтириб ейишни одат қилинг. 6. Таомни дастурхон устида ейиш лозимдир. 7. Зиёрат аҳли орасида улуғ бир киши таомга қўл узатмагунча қўл узатманг. Агар улуғ киши ўз обрўсини билса, таомга тезроқ қўл узатсин, ҳеч кимни куттирмасин. 8. Таомни шошмасдан енг ва ичинг. 9. Таомни ўнг қўл билан енг ва ичинг. Учта бармоқ, яъни бош, кўрсаткич, ўртача бармоқ билан таом ейишни одат қилинг. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай қилар эдилар. Баъзида тўрт бармоқ билан еса бўлади. Икки бармоқ билан таом ейиш манъ қилинади. 10. Таомни ўз олдингиздан енг. Аммо меваларни хоҳлаганерингиздан олсангиз бўлади. 11. Нон ва унинг ушоғини ҳам қадрланг. Нонни икки қўл билан ушатинг. Ҳатто емоқчи бўлсангиз ҳам қўлнинг ёғини нонга суртманг. Оғиздан ва қўлдан тушган нон увоқларини дарҳол териб олинг. Бунда хосият кўп. Зинҳор ташламанг, нонкўрлик қилманг. 12. Оч бўлсангиз ҳам таомни тез шошиб еманг. Таомни узоқ чайнашни одат қилинг. 13. Таом иссиқ бўлса, бироз сабр қилинг. «Пуф» деманг. Оғизни таомга ҳаддан зиёда очманг. 14. Таом устида бошдан охиргача хомуш ўтирманг. Бу макруҳдир. Шунинг билан бирла ҳеч бир таомни пастга урманг. 15. Имкони бўлса таомни ёлғиз еманг. 16. Дастурхон йиғилмай ўриндан турманг. Агар зарурат бўлса, раводир. 17. Агар гўшт ҳил-ҳил пишган бўлса, қўл билан майдаланг, пичоқ текизманг, бу суннатдир. 18. Емишлар доналик бўлса, тоқ сонда ейишни одат қилинг. Жумладан, хурмо, анжир, сомса, чучварани тоқ сонда ейишни суннат деб билинг.

## БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Болалар жимиб қолишди. Ниҳоят, биринчи синф ўқувчиларидан бири чидолмай хитоб қилди:

— Нимани кутяпсиз, домла?! Учиринг пашшангизни!

* * *

— Адажон, сиз кичкина бўлганингизда ўғил боламидингиз ёки қиз болами?

* * *

— Ойижон, ойни қаранг, биз билан трамвайда ҳам, поездда ҳам бирга кетяпти. У ҳам қишлоққа бормоқчи экан.

* * *

— Ҳой бола, бундай ёмон сўзларни қаердан ўргандинг?

— Қаердан ўргандинг эмиш, нима, одамда туғма қобилият бўлмайдими?

* * *

— Овчига ит нима учун керак?

— Унга қуёнлар ҳужум қилмаслиги учундир-да!

* * *

— Деразани сен синдирдингми? Айбингни бўйнингга олсанг, жазонинг ярмини оласан.

— Агар мен айбимга биратўла икки марта иқрор бўлсам-чи?

* * *

— Ойи, ўт ўчирувчилар келишди, энди ёнғин бошланадими?

* * *

— Деразадан пастга туш, ўғлим. Йиқилсанг белинг букри бўлиб қолади.

— Туя деразадан икки марта йиқилганми?

* * *

Кичкина укасининг эмаётганини кузатиб турган болакай онасидан сўради:

— Ойижон, мен ҳам кичкиналигимда шундай қилиб сут ичганманми?

— Ҳа, ўғлим!

— У ерга сутни қандай қилиб қуйгансиз?

* * *

Уй вазифасини текшираётган муаллим ўқувчига дакки берди:

— Бир ўзинг шунча кўп хато қилгани уялмайсанми?

— Бир ўзим эмас, дадам билан бирга ёзганман.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

●

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0934. 15218 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

